ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.YU.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ФАРХОД АНВАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 342.8(043.5)(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Насриддинов Фарход Анварович
Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг
ташкилий- ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Насриддинов Фарход Анварович
Совершенствование организационно-правовых основ деятельности
избирательных комиссий в Узбекистане.....22

Nasriddinov Farkhod Anvarovich
Improvement the organizational and legal basis of election
commissions' activity in Uzbekistan.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....45

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.YU.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ФАРХОД АНВАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/74 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www._____) ва "_____" Ахборот-таълим тармоғи порталида (www._____) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар: **Хусанов Озод Тиллабоевич**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Туляганов Абдуманноп Абдужабборович**
юридик фанлари доктори, доцент

Турғунов Ойбек Каримович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "__" _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 201_ йил "__" _____ да тарқатилди.
(201_ йил "__" _____ даги "__" рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х.Раҳимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори

Д.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Т.И. Тультеев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда мамлакатларида сайловларни ташкил қилувчи ва ўтказувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этишга алоҳида аҳамият берилади. У фуқароларнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган сайлов ҳуқуқлари давлатларга уларни эркин амалга ошириш учун қулай шароит яратиш мажбуриятини юклайди. Бугунги кунда шаклланган халқаро сайлов стандартларида сайловларни ўтказишга масъул бўлган органларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш меъёрлари ишлаб чиқилган.

Жаҳон амалиётида сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан сайловлар жараёнини бошқариш, ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш масалалари кенг тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда, айрим давлатларда сайловлар хукумат томонидан ташкил этилади. Германияда эса улар ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилади. Покистон ва Руминияда сайлов суд органлари томонидан ташкил этилади. Аксарият мамлакатларда сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўппартиявийлик ёндашуви мавжуд бўлиб, бунда манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакилларини сайлов комиссияларига тайинлайдилар.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар тизимли ва изчил хусусиятга эга эканлиги, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда сайлов эркинлигини таъминлашга қаратилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб беришида миллий қонунчилик ва сайлов амалиётимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини кун тартибига қўйди. Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш вазифаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига киритилди[1].

Республикамизда ҳам давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг демократик усул ва шаклларини яратишда муайян тажриба тўпланди. Ўзбекистон сайловларни ўтказувчи мустақил сайлов органлари тизими шаклланди. Сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш борасида катта тажриба тўпланди. Шу билан бирга, мавзуга оид илмий адабиётларда ҳам сайлов комиссияларининг оммавий ҳокимият органлари тизимидаги ўрнини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон.

белгилаб берувчи ҳолатлар юзасидан аниқ ёндашувлар мавжуд эмас. Шу жиҳатдан олганда, сайлов комиссияларининг мақоми ва ҳуқуқий табиати, оммавий ҳокимиятни амалга ошириш механизмидаги ўрни ва роли ҳамда фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларни конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бугунги кунда ҳуқуқшунослар олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994), “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги фармонлари ва 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4004-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ амалга оширилган изланишларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

Биринчидан, тадқиқот ишининг назарий-методологик ва концептуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларида ёритиб берилган. Ушбу асарларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида сайлов комиссиялари фаолиятини такомиллаштиришга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд[2].

Иккинчидан, Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид назарий-ҳуқуқий жиҳатлар М.Абдусаломов, Х.Абдурахманов, С.Адилходжаева, Н.Азизов, М.Ахмедшаева, И.Беков, Қ.Джўраев, Б.Исмоилов, З.Исломов,

[2] Мазкур асарларнинг рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилади.

Ш.Зулфиқоров, Е.Каньязов, М.Миракулов, Ў.Мухамедов, Х.Одилқориев, А.Рахмонов, Д.Рахимов, Ш.Рўзиназаров, академик А.Саидов, И.Тультеев, А.Турсунов, О.Турғунов, Э.Халилов, О.Хусанов, Ш.Якубов, академик Ш.Ўразаев ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Учинчидан, сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид назарий - ҳуқуқий муаммоларни монографик тадқиқот тарзида ўрганган хорижий олимлар қаторига Алиев Т. Т., Аничкин И.М., Белявская М.С., Вешняков А.А., Вискулова В.В., Галушко В.Ф., Иванченко А.В., Маклаков В.В., Постников А. Е., Страшун Б.А., Ушаков А.А., Чуров В.Е., An B., David P., Goodwin-Gill G. S., Hazon N., Vorobeychik Y., Yin Y. кабиларни киритиш мумкин[3].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг айримлари сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид назарий ҳуқуқий муаммоларни тегишли давлатларнинг воқелигидан келиб чиқиб ўрганган бўлсалар, бошқалари эса мазкур муаммоларни ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда сайлов тизимини шакллантириш жараёнида сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ назарий-ҳуқуқий муаммолар алоҳида монографик тадқиқот тарзида ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2016 йил 29 январдаги 6-сонли мажлиси баённомасида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади сайлов комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сайлов комиссияларининг сайлов жараёни муҳим институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва юридик табиатини ўрганиш;

Ўзбекистонда сайлов комиссиялари институтининг шаклланиш жараёнини таҳлил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

сайлов комиссиялари тушунчаси, тизими ва фаолиятининг асосий принципларини таҳлил этиш;

сайлов комиссияларининг ваколатлари доирасини таҳлил этиш;

сайлов комиссияларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ўрганиш ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил этиш;

сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва уни миллий амалиётда қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш;

[3] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини сайлов комиссиялари фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан юридик фанда мавжуд бўлган илмий-концептуал ёндашувлар, ғоялар, тамойиллар ва категориялар, сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид қонунчилик ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юридик, мантиқий ёндашув ва илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, шунингдек округ сайлов комиссиялари аъзоларига сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий иш ҳужжатларини юритиш ҳуқуқини бериш таклифи асослаб берилган;

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик принципини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари дахлсизлик мақоми бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштириш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар йигирма беш ёшга тўлган, партиясиз, қоида тариқасида ҳуқуқий кўникмага, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билимга эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, охирги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, сайлов ёки референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида тажрибага эга бўлган фуқаролар бўлиши лозимлиги асослантирилган;

участка сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз бериш биноларини тегишли тартибда жиҳозлаш, расмийлаштириш талаблари, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг овоз бергунга қадар, овоз бериш вақтида ва овоз бериш якунлангандан кейинги вазифаларини аниқлаштириш ҳамда уларни қонун ҳужжатида белгилаш аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сайлов комиссиясига сайловларни ўтказиш учун тузиладиган, унинг шаклланиши, муддатлари ва мақоми қонун билан белгиланган, ўзининг фаолияти принципларига эга бўлган орган сифатида муаллифлик таърифи берилган;

Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, у томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турли ҳуқуқий табиатга эга эканлиги асосланган;

сайлов комиссиялари ўз фаолиятини сайлов жараёнининг бошқа субъектларига нисбатан холис ва ҳеч қандай адоватларсиз амалга ошириши учун уларнинг принциплари қаторига холислик принципини киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф илгари сурилган;

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда туман ва шаҳар сайлов комиссияси билан округ сайлов комиссияларининг бир-бирини такрорловчи ваколатлари ва вазифалари мавжудлиги ва айрим ҳолатларда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг сонидан округ сайлов комиссияларининг сони кўп эканлиги асосланиб, маҳаллий Кенгашларга (туман, шаҳар) сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тугатиш зарурлиги тўғрисида таклиф ишлаб чиқилган;

сайлов комиссиялари ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши оид қоидани сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу сайлов комиссияларида комиссия раиси, котиби ҳамда бир нафар техник ходим доимий асосда иш олиб бориши учун штат бирликларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлат тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларда келгусида сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб боришда, қонун ижодкорлигида, сайловга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда Конституциявий ҳуқуқ ва Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва жараёни фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солишдаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётида,

Марказий сайлов комиссияси қошидаги Ўқув марказида сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни ўқитиш жараёнида, Конституциявий ҳуқуқ ва Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва жараёни фанларини ўқитишда, сайловга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари аъзолари томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги аниқланган ҳуқуқбузарлик юзасидан маъмурий баённома тузиш тўғрисидаги таклифи 2016 йил 7 октябрдаги 751-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш юзасидан услубий тавсиялар”да ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил 12 июндаги 275/2-1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштирувчи субъектни белгилашга хизмат қилган;

Марказий сайлов комиссияси аъзолари дахлсизлик мақоми бўйича Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4004-сон қарорининг 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил 19 ноябрдаги 618/2-1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг дахлсизлигини таъминлаш орқали уларнинг янада мустақил фаолияти юритиши назарда тутилган;

округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни танлаб олишга оид берилган тавсиялар Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 15 сентябрдаги 852-сон қарори билан тасдиқланган Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича услубий тавсияларнинг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 11 ноябрдаги 544/3-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф округ ва участка сайлов комиссияси аъзолигига масъулиятли фуқароларнинг жалб этилиши ва сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

участка сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз бериш биноларини тегишли тартибда жиҳозлаш, расмийлаштириш талаблари, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг овоз бергунга қадар, овоз бериш вақтида ва овоз бериш якунлангандан кейинги вазифаларини белгилаш бўйича таклифлар Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 1 декабрдаги 858-сон қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва

шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги йўриқноманинг 2.2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил 30 майдаги 257/2-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография (ҳаммуаллифликда), 1 та рисола (ҳаммуаллифликда) илмий журналларда 8 та (2 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 10 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сайлов комиссиялари сайлов жараёнининг муҳим институти сифатидаги ўрни”** деб номланиб, унда мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда сайлов комиссияларига оид қонунчилик тизимининг яратилиши ва ривожланиши асосий босқичларга ажратилган ҳолда таҳлил этилган ҳамда сайлов комиссиялари тушунчаси, тизими ва фаолиятининг асосий принциплари батафсил ёритилган. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг **“***Ўзбекистонда сайлов комиссиялари институтининг шаклланиши ва ривожланиши***”**га бағишланган биринчи параграфида мамлакатимиз сайлов қонунчилик тизимининг яратилиши ва ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиб, батафсил тадқиқ этилган.

Биринчи босқич – 1991-1995 йилларда сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланди. Ушбу даврда Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги (1993), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994) қонунлар қабул қилинган.

Иккинчи босқичда (1995-2000 йй.) – сайловларни ташкил этиш ва унинг натижаларини аниқлашда холисликни таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998) Қонун қабул қилинганлиги ва учинчи босқич (2000-2009 йй.) сайлов қонунчилигининг икки палатали парламент тизимига ўтиш билан боғлиқ тадрижий тараққиёти билан изоҳланади.

Тўртинчи босқич (2010-2017) – Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолияти асосий принципларининг белгиланиши ҳамда “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг (2017) қабул қилиниши мақсад ва вазифалари атрофлича тадқиқ этилган.

Диссертантнинг фикрича, бугунгу кундаги энг долзарб вазифа, яъни 2017–2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг иловаси 2-бандида кўрсатиб ўтилган Сайлов кодексини ишлаб чиқиш эканлиги ва бу мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ривожланишининг янги бешинчи босқичини бошлаб берганлиги ҳақида хулосага келинган.

Ҳуқуқшунос олимларнинг (Ҳ.Одилқориев, И.Тультеев, Ў.Мухамедов) Сайлов кодексини яратиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, ушбу ҳужжатни қабул қилиш зарурати юзасидан тадқиқотчининг ҳам муайян илмий асослари келтириб ўтилган. Хусусан, биринчидан, кодекс – жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни тизимли тарзда ва мукаммал тартибга солувчи қонун ҳисобланиши, иккинчидан, сайлов қонунчилигини кодекслаштириш фуқароларимизнинг сайловларга оид ҳуқуқий нормаларни ўрганишларига ва ўзлаштиришларига ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишларига хизмат қилиши, учинчидан, соҳага оид қонун ҳужжатлари ўртасидаги номутаносибликлар, ихтилофлар ва такрорланишларни бартараф этишга кўмаклашиши, тўртинчидан, қонунчилик тизимининг янада такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатиши, бешинчидан, мамлакатимизда тез-тез ўтказиладиган сайлов жараёнлари фуқароларимизнинг диққат эътиборида бўлиши, сайлов ҳақида мукаммал тасаввурга эга бўлган шахслар,

уларнинг ҳуқуқий асосларига қизиқа боришлари ва уни ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари, бу эса мукаммал ҳуқуқий асос яратилиши лозимлигини англатиши каби асослар диссертант томонидан илгари сурилган.

Бобнинг иккинчи параграфи *“Сайлов комиссиялари тушунчаси, тизими ва фаолиятининг асосий принциплари”* деб номланиб, унда сайловларни халқаро нормалар ва миллий қонунчилик асосида ҳамда холис, адолатли, энг муҳими ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссияларининг ўрни беқиёслиги, шу боис сайлов комиссияларининг юридик табиатини ўрганиш нафақат назарий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, параграф доирасида “Сайлов комиссияси” тушунчасининг мазмун ва моҳияти тадқиқ этилиб, аввало, “комиссия” сўзининг маъносини лотинча “comissio” сўзидан олинганлиги, бунда муайян вазифани бажариш ёки алоҳида чора-тадбирларни ўтказиш учун тузилган орган назарда тутилиши лозимлиги қайд этилган ва комиссия деганда маълум бир белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун махсус ваколатларга эга ташкилот тушунилиши ҳақида хулосага келинган.

Сайловларни ташкил этиш ва сайлов жараёнларининг демократик асосларда адолатли, ҳаққоний ўтиши кўп жиҳатдан сайлов органлари, уларнинг тузилиши, тизими ва фаолиятига боғлиқ эканлиги, хорижий давлатлар сайлов амалиётида сайлов органлари турлича ном билан аталиб (комиссия, бюро, президиум ва ҳ.к.), улар бутун сайлов жараёнига ташкилий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширишлари айтиб ўтилган. Шунингдек, бир қатор миллий ва хорижий олимларнинг (Ҳ. Одилқориев, Н. Азизов, Ш. Рўзиназаров, Ў. Мухамедов, Б. Саидов, Х. Абдурахманов, И. Верзилина) сайлов комиссияларининг ҳуқуқий табиати юзасидан билдирган фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган. Миллий қонунчилигимизда сайлов комиссиялари тушунчасига муайян даражада таъриф берилишининг мақсадга мувофиқлиги, шу сабабли, ишлаб чиқилаётган Сайлов кодекси лойиҳасига сайлов комиссияси сайловларни ўтказиш учун тузиладиган, унинг шаклланиши, муддатлари ва мақоми қонун билан белгиланган, ўзининг фаолияти принципларига эга бўлган орган ҳисобланади, деган мазмунда норма киритилиши таклиф асослаб берилган.

Диссертациянинг ушбу параграфида мамлакатимизда сайлов комиссияларининг тизимини тадқиқ этилган ва сайлов комиссиялари фаолиятида ҳам ташкилий ҳам ҳуқуқий характерга эга бўлган камчиликлар ва муаммолар диссертант томонидан кўрсатиб ўтилган.

Диссертант миллий қонунчилигимизда ҳам сайлов комиссиялари тушунчасига муайян даражада таъриф берилиши мақсадга мувофиқлиги, ишлаб чиқилаётган Сайлов кодекси лойиҳасига сайлов комиссияси сайловларни ва референдум ўтказиш учун тузиладиган, унинг шаклланиши, муддатлари ва мақоми қонун билан белгиланган, ўзининг фаолияти принципларига эга бўлган орган ҳисобланади, деган мазмунда норма киритилиши ҳақидаги хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий Кенгашларга (туман ва шаҳар) сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тугатиш лозим. Чунки, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда туман ва шаҳар сайлов комиссияси билан округ сайлов комиссияларининг бир-бирини такрорловчи ваколатлари ва вазифалари мавжуд.

Диссертантнинг тадқиқотлари натижасига кўра, амалиётда айрим ҳолатларда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг сонидан округ сайлов комиссияларининг сони кўп бўлиб қолган, мазкур муаммонинг ечими сифатида Сайлов кодекси лойиҳасининг 25-моддасига “Сайлов участкаларининг сони округлар сонидан кам бўлиши мумкин эмас” деган норма киритиш лозим. Ушбу таклиф биринчидан, сайловларга ажратилган бюджет маблағларини тежаши, иккинчидан, сайлов кампанияси даврида ортиқча ташкилий тадбирларни амалга оширишни олдини олиши, учинчидан, сайловчилар ўртасида сайлов комиссиялари фаолияти тўғрисидаги тушунмовчилик ва чалкашликларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан асосланган.

Параграф доирасида Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари таҳлил қилинган ва илмий жиҳатдан муаллиф томонидан таърифланган. Уларни такомиллаштириш мақсадида турли таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистон Республикасида сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**” деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, сайлов комиссияларининг мақоми, сайлов комиссияларининг норма ижодкорлиги ва унинг фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган, уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бобнинг “*Ўзбекистон Республикасида сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари*” деб номланган биринчи параграфида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлайдиган сайлов комиссиялари тизими яратилганлиги, уни такомиллаштириш борасидаги вазифаларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилаётганлиги ва сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг асосий тамойилларини таъминлаши каби амалий хулосалар илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикасида сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топганлиги, айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-4004-сон Қарори соҳага оид қонунчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилгани кўрсатиб ўтилган. Ушбу Қарорда иш берувчилар томонидан сайловларни ва референдумни ўтказиш даврида жамоатчилик асосида ишлаб келаётган туман ва шаҳарлар сайлов комиссиялари раиси, унинг ўринбосари ёки котибларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар сайлов комиссияларининг тавсияларига кўра ойлик маошига асосий иш жойи моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 фоиз миқдорида устама белгилаш тавсия этилгани катта аҳамиятга эга.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Сайлов комиссияларининг ҳуқуқий мақоми таҳлили”* деб номланган. Параграф доирасида сайлов комиссияси мақоми юзасидан бир қатор миллий ва хорижий олимларнинг (Х. Абдурахманов, Ш. Якубов, М. Баглай, Т. Алиев, И. Аничкин, А. Постников, А. Иванченко, С. Князев, Н. Богданова, Е.Колюшин) фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган ва ушбу тушунча юзасидан муаллифлик ёндашуви илгари сурилган.

Тадқиқотчи сайлов комиссияларининг шу жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишда биринчидан, сайлов комиссиялари давлат томонидан ўрнатилган махсус тартиб ва талаблар доирасида шакллантирилиши; иккинчидан, Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Уларнинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши; учинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятининг принциплари, яъни мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, адолатлилик ва ошкоралик тамойиллари қонун билан белгиланиши; тўртинчидан, Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қонунда белгиланган сабабларга ва талабларга мувофиқ парламент палаталари томонидан тўхтатилиши; бешинчидан, қонунчиликда Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодга талаблар белгиланганлиги, олтинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари фақатгина илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин; еттинчидан, Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурий бўлиши кераклигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунда ва бошқа сайловга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Марказий сайлов комиссияси ва бошқа сайлов комиссиялари муайян ҳокимият функцияларини амалга оширишлари, давлат бюджетидан молиялаштирилиши ва бошқа давлат органларига хос бўлган хусусиятларга эга бўлсада, конституциявий ҳуқуқий мақоми, яъни унинг давлат органи эканлиги аниқ белгилаб қўйилмаганлигига алоҳида эътибор қаратган. Унинг

фикрича, сайлов ва референдумлар орқали халқнинг хоҳиш-иродасини таъминлаш мақсадида халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга ошириш мақсадида тузиладиган барча сайлов комиссиялари алоҳида мақомга эга бўлган давлат органи ҳисобланиши, сайлов комиссияларининг конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги конституциявий-ҳуқуқий мақомини аниқлашда уларнинг шаклланиши хусусиятлари, ваколатлари, мажбуриятлари, фаолиятининг кафолатлари ва принципларини ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтган.

Бобнинг "*Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти*" деб номланган учинчи параграфида мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг такомиллашиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда юридик техника қоидаларининг кенг қўлланилиши, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, хорижий мамлакатлар илғор тажрибасининг ижобий маънода ўзлаштирилиши, ушбу жараёнда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий базанинг яратилганлиги ва бошқа қатор омиллар натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати, мукаммаллиги ва самарадорлиги ошганлиги кўрсатиб берилган.

Ушбу параграф доирасида Марказий сайлов комиссияси қарорлари, низом ва йўриқномалари ҳамда бошқа норматив ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш механизмлари ҳам таҳлил этиган.

Бобнинг тўртинчи параграфи "*Сайлов комиссиялари фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари"* деб номланиб, унда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг долзарблиги таъкидланган ва уларни сайлов жараёнида жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Параграф доирасида бир қатор хорижий мамлакатларнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Дания, Испания, Россия, Озарбайжон) сайлов жараёнида АКТдан фойдаланиш тажрибаси ўрганилган ва улардаги илғор тажрибадан фойдаланиш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, тадқиқотчининг фикрича, Сайловчиларни идентификация қилиш ва рўйхатга олиш комплекси сайловчилар ҳақидаги биометрик маълумотларни идентификация қилиш қўлнинг бармоқ излари, юзнинг биометрик параметрлари, сайловчининг ID картаси ва сайловчига берилган махсус QR код орқали амалга оширилади. Комплексининг вазифаси**:**

"оилавий" овоз бериш ёки қайтадан рўйхатдан ўтиб овоз бериш имконини бекор қилади;

олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар турар жойларидаги сайловчиларни умумий сайловчилар рўйхатига киритади;

"бир сайловчи-бир овоз" принципини таъминлайди;

иккита қўлдаги барча бармоқларнинг изларини маълумотлар базасига киритиш имконини беради;

бармоқ излари орқали сайловчини аниқлаш имкони бўлмаса, ускунага ўрнатилган камера орқали юзнинг биометрик параметрлари орқали идентификация қилиш имконини беради;

биометрик паспорт, ID карта и QR код орқали идентификация қилади;

сайловчилар тўғрисида маълумотларни йиғиш, сақлаш ва серверга юбориш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби "**Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш истиқболлари**" деб номланиб, унда халқаро сайлов стандартлари ва сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг хорижий тажрибаси таҳлил қилинган ва Ўзбекистонда сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

